



КИШЛОҚ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ
1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ХАЁТИ



МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI КИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ 1997 йил 15 апрель. СЕШАНБА № 30 (5.803). Сотувда эркин нархда

ОТАБЕКНИНГ «ТУЛПОР» И

1997 йил 15 апрель - № 30

— Фермер буламан, деб кукрагани урадиганлар ҳам кун бўлди — дея гап бошлади Пол тумани фермер хўжаликларини уюшмасининг раиси Мадаминжон Махмудов. — Айримлар бу ишни тайёр даромад деб ўйлашди шеклиди. Души тор келиб қолганда эса, ҳеч ким ердам бермади» деган баҳоналар қилишди. Ҳафсаласизлик кетмайди бу ишда. Ҳақиқий тadbirkоргина, ишни қандай бўлмасин элайман, деган инсонгина муваффақиятга эришиши мумкин. Ҳозир чорвачиликка ихтисослашган 50 та фермер хўжаликлари бор. Оёққа турганлар ҳам анчагина. Бир хўшхабарни айтсам қойил қоласиз. Отабек деган йигитимиз бор. Иши билан бизни дол қолдириди. Ҳозир сизни шу фермернинг олдига олиб бораман. Tadbirkor, улабурун инсонни уша ерда курашсиз.

— Куп ўтмай фермер хўжалигига кириб бордик. Ҳаммаси озола, саришга. Ҳовий асфальтланган. Каттагон ариқда сув шарақлаб оқиб турибди. Ушлаб техника мавсумга шай турибди. Бизни истараси иссиқ, урта бўйли, қўзлари чакнаб турган бир йигит кутиб олди.

— Танишинг, мен айтган йигит шу, — деди Мадаминжон ака. — «Утган қўшлар»даги Отабекдан қилинмайди. Бу укамизни шу куннинг Отабеги дейиш мумкин.

— Фермерлик фаолиятини қачон бошлагансиз, — деб сурадик ушдан.

— Куп бўлганича йўқ, 1993 йилда урта мактабни тугатдим. Отам Аликжон Фаёзов уқини давом эттирсанми еки бирон ишнинг жиловини тутасанми, дедилар. Ишлайман, ягона ораум фермер бўлиш, — дедим мен қатъий.

— Бу ишинг маъқул, аммо оғир, — дедилар у киши. — Майли ораума айб йўқ. Қариндош-уруғни йиғамиз. Бор маблағимизни ишга соламиз. Зарур бўлса давлатдан қарз оламиз. Лекин бир нарсани унутма, фермерлик фидойилигини талаб этади.

Ушанда ота билан бола-

тонна кунжара жамгарилганди. Шу боис киш қийинчиликсиз утди. Жамоага узоқдан ишлаётганларни яқинда сотиб олинган автобус ишга олиб келиб, олиб кетди. Ишда кийим-кечак, озиқ-овқат бепул. Уртача маош уч минг сўмга яқинлашиб қолди.

— Биринчи гада илчиларга гамхўрлик қўчайтирилган. Нима қиламиз десак қўлимиз етади. Ҳисоб-рақамимизда бир миллион сўм пул бор. Бундан ташқари туман «Пахтабанк» булимидан уч миллион сўмлик акция сотиб олдик. Бу ҳам кўпи фойда экан, — деди фермер.

Жамоада фидойи инсонлар куп. Молбоқарлардан Орифжон Қосимов, Султон Рафуров, соғувиқлардан Рискиниша Райимқуллова, Утлол Нораидева, механик Этамберди Холматов, ветеринария врач Олимжон Ганиев, ишчилардан Баҳодир Иброҳимов, Шавкат Аҳмадовларни шулар жумласига киритиш мумкин.

Шу ерда бир нарсани унутмаслик керак деб уйлаймиз. Қарс икки қўлдан бўлмаса, яхши натижа бермайди. Еш фермернинг шаклланишида туман ҳокимлигининг хизматлари катта бўлди. Амалга оширилган инлар доимо уларнинг назоратида турибди.

Жорий йилда руза кунлари арафасида «Парла Турсун» санаториясига 800 килограмм гушт берилди. Туман марказидаги ярмаркада 1,5 тонна гушт арзон нархда сотилди. Наврўз байрами кунларида ҳам жамоа ўз махсулотларини арзон нархда сотди.

— Ен-атрофимизда ташландиқ, тошлоқ ерлар бор экан, — деди вақтинлик билан Отабек Фаёзов. — Таклиф билан туман ҳокимлигига чиқмоқчимиз. Агар таклифимиз амалга ошса, ер майдонимиз 220 гектар бўлади.

Ҳозир қорамолимиз 800 бош бўлса, 1000 бошта егини ҳам ҳеч гамамас. Шунча қорамолни боқинга, қанча озука, ер керак.

Қандингни ур, фермер

Отабекнинг жорий йилдаги режалари салмоқли. Халқимизга 70 тонна гушт, 60 тонна сўт етказиб беришга бел боғлаган. Бултур кузда экилган 16 гектар майдондаги «Скифиянка» нави бугдой туркираб кукка буй чузати. 43 гектар майдондаги бедалар яшил тиламни эслагани.

Фермернинг камтарлиги туфайли бир нарсани сезмаемиз. У тажрибали деҳқон сулоласидан экан. Бобоси Мирсултон Фаёзов қолхозда 80 ешпача меҳнат қилди. Пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 40 центнерга етказди. Мирсултон ошанин қизи Ширмоной Мирсултонова теримчи, туман ешларининг етакчиси, туман ижроия қўмитаси раиси бўлди. Семимли шовирмиз Туроб Тулапинг «Уч дугона» қўшиғида қуйилган пахтакор қиз. Обруди деҳқон авлодининг вақили Отабек боболари ишнин давом эттирмоқда.

Йигирма биринчи баҳорни қаршилаган Отабекнинг куп оруларни амалга оши. Фермердаги куп ишлар кул кучи билан бажариларди. Ҳозир техника билан амалга оширилган. Фаргона каналидан сув насослар ердамида бу ерга етиб келди. Молларни сугориш автоматлаштирилди.

— Тошлоқ ерларни уғитлаб, ишлов бериб, эпакчага келтирдик, — деди Отабек. — Бугдой, силос, маккажуҳори, арпа узимиздан чиқади. Купроқ кунжара, шөлуха жамгарилди қийналимиз. Шу озуқалар ҳал этилса нур устига-нур буларди.

Отабек ҳавас билан хўжалигига «Тулпор» деган ном берилди.

— Нега бу номни танлагансиз, — деб сурадик.

— «Тулпор» туеги чакнаган учқур от логани. Қўзланган мақсалга, манзилга тезроқ етайлик, деб шу номни қўйганмиз.

Чиндан ҳам Отабек Фаёзов ўз «Тулпори»да дадил бораеири. Яқинда туманда утказилган энг яхши фермерлар танловида у биринчи уринни эгаллади. У кейинчалик вилоят ва республика миқёсидаги танловларга ҳам қатнашиши дилгата тугиб қўйган.

Элсевар ХАМДАМ.



Қиبرى туманидаги «Дўрмон» жамоа хўжалигидаги «Иссиқхона» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг 5 гектардан зёд ери мавжуд. Айни чоғда бу ерда помидор, лимон, турли қўкатлар етиштирилиб, пойтахт аҳолисига пенша-пенш етказиб берилмоқда.

СУРАТДА: бош ҳосилот Этамберди Худойбергенов, сабзавоткор Мукаррам Туёқмергановлар иссиқхонада етиштирилаётган помидорнинг мўллагидан мамнун.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Ҳозирги кунда республикамизнинг пахтакор хўжаликлари андижонликлар технологиясини асосида пленка остига чигит экишни қизгин давом эттирмоқдалар. Чортоқ туманидаги «Ғалабанинг 45 йиллиги» жамоа хўжалиги аъзолари ҳам ана шундай усулда 100 гектар майдонда деҳқончилик қилишни режалаштиришган.

Хўжаликда бундай юмушни амалга ошириш

қа муддатда сифатли утказиш учун бор куч ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

Хўжалик далаларида иккита сеялка юксак унум билан ишлатилмоқда. Уларни Юнусали Турсунов, Комилжон Ниезов сингари техника жиловкорлари моҳирона бошқариб, кунига 6-7 гектар майдонга уруғ қаламоқдалар.

Эркин ТУЛАГАНОВ.

ЯНГИ УЮШМА ТУЗИЛДИ

Бозорларимиз туктин-сочинлигини татминлашда шахсий ердамчи ва деҳқон хўжаликларининг ҳиссаси катта. Республика раҳбарияти шунинг ҳисобга олиб уларга амалий ердам бериш чора-тадбирларини кўрмоқда. Мамлакатимиз Президентининг «Шахсий ердамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини қўчайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармони айни шу мақсадга қаратилган.

Маъзур фармон талабларини бажариш мақсадида шахсий ердамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси таъсис қирилганга ўтказилди. Уни республика толар ишлаб чиқарувчилар ва тadbirkorлар палатасининг раиси А. Иудлошев бошқарди. Қурултойда қишлоқ ва сув хўжалиги вазириликнинг «Узугуржиме-васабзавот» компанияси, Узбекбиролашув раҳбарлари, жойлардаги деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмалари, шахсий ердамчи ва деҳқон хўжаликлари бошқаруви, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири М. Жуманиев уюшманинг мақсади ва вазифалари ҳақида сузлади.

Анжуман қатнашчилари ажратилган ерлардан самарали фойдаланиш, шахсий томорқа эгаларига амалий ердам бериш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, қўшимча ер майдонлари ажратилиши назорат қилиш, махсулот етиштирувчилар билан уш харид қилувчилар уртасидаги ҳамкорликни янада мустақамлаш зарурлигини таъкидладилар.

Таъсис қирултойида шахсий ердамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмасининг диними тасдиқланди ва бошқарув органлари сайланди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири М. Жуманиев уюшманинг мақсади ва вазифалари ҳақида сузлади.

ҲАР ИШДА ТАШАББУС-КОРЛИК БЎЛСИН

Йил бошдан буен Самарқанд вилоятида саноатнинг нопадлат сектори анча ривожланди, меҳнат унумдорлиги бирмунча ошди. Утган йилнинг биринчи чоригида нисбатан махсулот ишлаб чиқариш салькам 15 фоиз, ҳалқ истеъмолчи моллари тайёрлаш эса қариб 30 фоиз кўпайди.

Вилоят фаолларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий йил биринчи чорати якунилари ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланган йилги ишлага ана шу ҳақда гапирилди.

Сузга чиққанлар қишлоқ хўжалигида ҳам йил хайри келганини таъкидладилар. Егин-сочини кун бўлиш туфайли суви ва ладими ерларга гада экиллари яхши етилмоқда. Мул пахта ҳосили ошди учун пухта замин яратилмоқда. 20 минг гектар майдонда чигит пленка остига экилмоқда. Аҳолини ижтимоий димолаш, маданият-маърифий соҳаларни ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Айни вақтда баъзи тармоқларда мажбур имкониятлардан тулқ фойдаланилмайпти. Масалан, «Красный друг»га, дифтосозлик, бургулаш асбоблари ишлаб чиқариш корхоналарида илгор иш усуллари қўлланилган етарли эътибор берилмапти.

«Меvasабзавотузумса-ноат»га қарашли корхоналарда силкиш умуман қўзғилинмапти. Вилоятда деборлик ва кредиторлик қарзлари қамаймапти. Салво ва маданият-маншнинг хизмат кўрсатиш ҳам қўрилганга эмас. Бу камчиликларга барҳам бериш мутасадди раҳбарлардан катта ташкилотчилик ва ташаббускорликни тақозо этади.

Йилги ишда вилоят ҳокими А. Мардиев сузга чиқди.

(ЎзА).

Мамлакатимизнинг жушқин ҳаёти

ХАЙРЛИ ҚАДАМ

Бободехқон ерга бара-гада миришкорлари муҳим ка уруғини қалаш олди-ишга пухта ҳозирлик кўр-дан яхши ниятлар қил-ганликларини намойиш этди. Шахрисабз тумани-дилар. Хўжалик деҳқонла-даги Ғани Бобоев ном-рининг жорий йилдаги ният-даги жамоа хўжалигида ҳам-ларни улуг. Пахта ҳосилдор-экин олдиан миришкор-лигини гектарига 45 цент-ларга дастурхон ёзилди. нерга етказиш, ғалладан эса 50 центнерлик хирмон яра-Шу кун 180 гектар тинни мақсад қилишган. майдонга барака уруғи-тушди. Айниқса, 10-бри-

НАВБАТ ПАРВАРИШГА

Меҳнатобод туманидаги «Бахмал» деҳқон-фермер хўжалиги миришкорлари туманда биринчилардан бўлиб чигит экишни якунладилар. Ерларнинг ўз вақтида сифатли шўдурланганлиги, экин техникаси мавсумга шайлиги қўл келди.

Айни пайтда 50 гектар майдондаги униб чиққан ниҳолларга дастлабки ишлов берилаяпти. Шунингдек, фермер хўжалиги аъзолари гада парваришига ҳам эътиборни қўйиб беришган. Шу кунгача майсалар уч бор озиклантирилди ва сугорилди. Долзарб ишда фаоллик курсатаётган ишчиларга ойлик маошга қўшимча сифатида ёғ, гуруч, ун каби махсулотлар ажратилмоқда.

ПИЛЛАКОРЛАР НИЯТИ

Ипак қуртидан олинган махсулотлар кўп. Иқтисодийнинг юксалишида тармоқнинг ўз ўрни бор. Бунинг туғри аниқлаган Жондор туманидаги Гагарин номидаги жамоа хўжалиги пиллакорлари жорий йилда ҳам бу соҳага алоҳида эътибор қаратаяптилар.

Хўжалик пиллакорлари ўтган йили юқори кўрсаткичларга эришгандилар. Улар бу мавсумда 200 қути қурт уруғини парваришлаб давлатга 4 тоннадан ортиқ сифатли хом ашё етказиб беришни ният қилганлар.

МЕВА МЎЛ БЎЛАДИ

Олтинсой туманидаги «Хўжасоат» жамоа хўжалигида ҳам баҳорги юмушлар-

га қизгин киришилди. Миришкорлар боғлар парваришига эътиборни қўйиб беришган. Жумладан, тоқзорларга шакл бериш, озиклантириш ва сугориш ишлари сифатли бажарилди. Шунингдек, ер захини қочирини мақсадида тоқзорлар оралигида ариқчалар қазилди. Айни пайтда янги боғлар барпо этиш мақсадида, 10 минг туп қучат утказилди.

МИРИШКОРГА ҚУЛАЙЛИК

Жиззах туманидаги «Самарқандқудук» жамоа хўжалиги миришкорлари Наврўз кунларида яна бир қўлайликка эга бўдилар. Хўжалик марказида янги тегириш ишга тушди. Бу ерда ҳар кун 2-3 тонна бугдой ун қилиб берилаяпти. Сўнгги олти ой оралигида ана шундай тегиришдан тўрттаси ми-

ВОДИЙДА БИРИНЧИ

Ширмонбулоққа борганимиз? Тоғ енабига, ер қизидан чиқаётган азиз Булоққини неча юз йиллардан буен энергетикларга хўшайинг бахш этган балқиларга термулганимиз? Бузун у ерини фойда булқач. Тоғлар сийнисида бобоевлар Назир ака Сулаймонов яраган боғлардаги меваюринг ҳосил ишловларини кўриб қўнлинигиз тоғдек кўтарилади. Туман номини Булоққини деб аташаётганларда балки шу Булоққини ишора қилинганлар.

1992 йил 9 апрель. Андижоннинг энг кенжаси Булоққини тумани тилқини тошан Сада, бу кунда рамзий маъно бор. Уша кун бобоевиз соғибқирон Амир Темир тутилган.

1997 йил 9 апрель. Туман меҳнатқашлари Фаргона водийсида биринчи бўлиб чигит экин режаларини утказилган қишлоқлар. Уч ярим гектар майдонга сервосил ва эртанишлар, толаси сифатли «Фаргона-3» нави экилди. Туман тарихида илк мартаба умумий пахта майдонларининг ярамаги чигит пленка остига экилди.

«Шарқ юлдузи», Улугбек, Жураполдон, А. Қасимов, Ойбек, Б. Ражабов номли жамоа хўжаликларида дастлабки экилган майдонларда ниҳоллар юз кўрсатди.

— Булоққиниликлар тажрибакор ва меҳнатқаш одамларлар, — деди туман ҳокими Абдумуллаб Жалилов. — Деҳқонларнинг фикр-хаёли чигитин бир текисда ундириб олиш ва баҳорнинг «чухроқ» кунларида табиғнинг инжиқликларига хўшер туриб, ишларни бир меъерда олиб боришдан иборатлар.

Ғайрат Журасев, Тожиқмамамет Нуъмон, Абдуназар Алиқуллов, Абдумутал Рузизулло, Абдулла Якубов, Шарофиддин Шамиев каби меҳнатқашлар чигит экишининг устаслари. Бу йил ошқ ерларга экилганга нисбатан пленка остига экилган майдонлардан уш иккинчи беш центнердан кўпи ҳосил олишни мўлжаллаганимиз.

Туманда ғалгалчилик миқёслари ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Уч минг тўқсон олти гектар майдонга кулги бугдой экилиб, бир текисда ундирилиши таъминланди. Бугун ғалгалзорларнинг мажбу кузун қўнотгани. Айниқса, «Скифиянка» ва «Юна» навлари экилган майдонларда қучлар бошқ ола бошладилар. Айрим майдонларни эса, евоини утлар босди. Деҳқонлар вақтин бий бермай бугдойзорларни утамқодлар. Угитлаш ва сугориш ишлари ҳам сифатли амалга оширилмоқда.

Ҳар гектардан егиниш центнер. Бу ҳазилкам ҳосил эмас. Режагин утказилди, эл-юрт олдида юзлари ерут бўлиш учун айни кунларда ғалгалзорлар тинимсиз меҳнат қилинапти.

Булоққиниликларнинг ишончлари қомид. Улар ўз зиммаларидаги вазифаларни силқилиб бажариб, юртимиз туктинлигига мўносиб ҳисса қўшадилар.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

ЮТУҚНИНГ СИРИ НИМАДА?

Куйи Чирчик туманидаги шолчиликка ихтисослашган Алишер Навоий номи қишлоқ хўжалик халқ корпорацияси жамоаси утган йили 2145 гектар ерда деҳқончилик қилганди. Шолчи ҳосилдорлиги текстарига уртача 51 центнерни ташкил этди. Йиллик даромад 64 миллион 400 минг сумдан ошиб кетди. Ҳозирги кунда баян хўжаликлар зур-базур кун кечиратган бир пайтда мазкур жамоа бунга қандай қилиб эришди? Бунинг устига хос сирлари борми? Биз ана шу ва бошқа саволларга жавоб топиш ниятида хўжаликда бўлиб, унинг иши билан яқиндан танишдик.

Хўжаликнинг Турдибек Умарбеков бошлик бригадаси даяласидир. Жамоа аъзоларининг қўли-қўлига тегадими? Уларнинг бири техника ердамида ери текислаётган бўлса, иккинчиси шол полиларини тартибга келтирмоқда. Учинчиси эса сув келадиган ариқларни тозалаш билан банд. Хуллас, бу ерда иш қизигандан-қизиган.

— Жамоамиз 8 кишидан иборат бўлиб, 58 гектар ерда шолни етиштирилади, — дейди бригада сардори. — Утган йили режадан ташқари 78 тонна шолни аъзоларимиз уртасида бўлиб олдик. Ишчиларнинг ҳар бирининг даромади эса нақ ўттиз минг сумдан ошиб кетди. Шундай бўлгандан кейин ишлаймиз-да.

Корпорация бошқаруви раиси Турсунхужа Исқандаров ҳам шу ерда экан.

Муваффақиятнинг калити миришкорларимизда манфаатдорлик ҳиссини уйғотиб, оилавий пудрат усулида ишлашимизда, — деди у. — Маъна шу усулга ўтганимизга ҳам 10 йилча бўлди. Лекин илгарилари ҳисоб-китоб, томонларнинг масъулияти ва манфаатдорлик борасидаги чалқашликлар кутулган самарани бермади. Республикамизда муваффақият эришганидан сўнг ҳукуратимиз қишлоқ хўжалигини кенг истиқбол йўлига олиб чиқиш юзасидан чора-тадбирлар кура бошлади. Биз ҳам шунга асосланиб хўжалик аъзоларимизнинг мулкка эгаллик ҳиссини уйғотиш мақсадида ҳисоб-китобни турғи йўлга қўйдик. Яъни оилавий пудрат аъзолари билан корпорация уртасида тенг ҳуқуқли шартнома тузилди. Унда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ асас этирилди. Энг муҳими ойлқмаош ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб келинаётгани. Натикада моддий манфаатдорлик ва мулкка эгаллик ҳисси амалда хал қилинди. Корпорация буйича ишловчиларнинг уртача йиллик даромади 120 минг сумни ташкил этди. Баъзи бир илгор бригадаларда бу кўрсаткич 200 минг сумдан ҳам ошиб кетди. Ҳар бир пудратчи режадан ташқари 10 тоннагача шолни ўзи сотиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ундан кейин шолни етиштиришда биз асосан техникага таянамиз. Қўл юмуши кам ишлатилган ерда маҳсулот таннариҳи қамайиб, даромад ошади. Масалан, у-

логия институтлари ва бошқалар билан ҳам алоқамиз мустақкам. Улар бизга уруғни экиш, шолни парвартириш қилишда ўз тавсияларини бериб туради. Мисол учун утган йили уларнинг тавсиясига таяниб «УзРос-7-13», «Авангард» навларини эдик. Ундан узимизга 700 тонна уруғ тайёрландик ва бошқа хўжалиқларга 1000 тонна уруғ сотдик. Уруғни сепишдан олдин уни сувга буктириб қузямиз. Яъни хўжаликда ивтиб экиш технологияси қўлланилади.

Шунда уруғ биринчидан, яхши унади, иккинчидан, сочаётганда сувга тезла чумкиб, жойга тушади. Айни пайтда уруғлар тайёр холга келтирилган. Уни шу ойнинг унингчи кунларидан кейин экишни мулжаллаб турибмиз. Чунки шолни сепиш пайтида сув ҳарорати 12-14 даража бўлиши керак.

Ҳисоб рақамимиздаги пулнинг ҳам бекор туриб қолишига йўл қўймаймиз. Бунинг учун «Бектемир» банкдан 5 миллион 700 минг сумлик, «Галлаба» банкдан 20 миллион сумлик акция сотиб олганмиз. Шунингдек, Куйи Чирчик банкда ҳам акциямиз бор. Ҳозирги кунда бу акцияларнинг базиларига дивиденд оlishни бошладик.

— Хўжаликда ишлайдиган кишилар сони қамайиб кетаверса, қишлоқ хўжалиги юмушидан бўшаб қол-

ган одамларнинг тақдирини нима булади?

— Биринчидан, хўжалик шайхонага яқин. Шу боис ишлашга қўйиб қўйилган фуқаролар пойтахтдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилишди. Ундан кейин корпорациямиз худудига санатни олиб киришга қатта эътибор берилмоқда. Масалан, шу кунларда бу ерда ферма, тегирмон, шлакблук, дурадгорлик цехлари, қурилиш ташкилотлари ва бошқа аҳолига сервис хизмати курсатиш шохобчалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ишлаб турибди. Келажакда бу соҳада ишни янада ривожлантириш ниятидаммиз.

Худудимизда томорқа ҳам ривожланган. Тутри, шолни қурмақисиз бўлмади, деганларидек, баъзилар унга ажратилган участкадан унумли фойдалана олмаган бўлиши мумкин. Лекин ҳамқишлоқларимизнинг асосий қисми бунга муваффақиятли уддаламоқда. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бунга бир мисол келтирсак. Хўжалигимизда газначи бўлиб ишлайдиган Уткир Холтаев деган киши бор. У киши ўзининг 16 сотих томорқасидан жуда унумли фойдаланади. Бундан биринчи экишда эртаги редиска ва сабзи етиштириб, ундан 150 минг сум даромад қилди. Ер бўш турмаслиги учун унинг урнига редиска экиб, 75 килограмм уруғ олди. Бундан 120 минг сум фойда қурди. Бундан ташқари оила эҳтиёжи учун қолган ерларда қар-

Улкамизда чигит экишга оммавий тарзда киришилди. Етарли миқдорда уруғ жамғарилди. Дарвоқе, юқори сифатли уруғ ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир. Агар уруғчилик яхши ташкил этилса, гуза ҳосилдорлигини 15-20 фоизга ошириш мумкин.

Жорий йилда республикамизда тайёрланган чигитнинг 98 фоиздан кўпроги бир ва иккинчи тоифа унвончиликка мансубдир. Бухоро, Навоий, Фарғона, Андижон, Самарқанд вилоятларида экиш учун тайёрланган уруғнинг унвончилик салмоғи умумий миқдорнинг 90-100 фоизини ташкил этди. Барча вилоятларда чигитни туксизланттириш, хилларга ажратиш, ишлов бериш ва хўжаликларга етказиш якулланди.

Кейинги йилларда республикамизда уруғчиликка эътибор кучайтирилди. Районлаштирилган ва бу йил экиладиган йилгирма навадан ун тўрттаси бешинчи типга, тўрттаси туртинчи типга ва иккинчиси иптика тоғали навларга мансубдир.

Юқори сифатли иптика тоғали ва туртинчи типдаги тоғали навлар жами гуза майдонларининг 15 фоизинигина эгаллади. Қолган 85 фоиз майдонларга бешинчи типдаги тоғали навлар экилади. Шуниси ҳам борки, кейинги йилларда бу навларга бештаси — Фарғона-3, АН-Боев-2, Бухоро-6, Наманган-77, С-4757 жами гуза майдонларининг 70 фоизини банд қилади. Утган йили 1 миллион 500 минг гектар экин майдонларининг 976 миң гектариде бу беш нав устирилган бўлса, бу йил ушбу навлар 975 миң гектарга экилиши кузла тўғноқда. Қирғиз-3, С-9070, Қизилравот, Чимбой 3110, Чимбой 3104 ва бошқа навлар майдонлари барқарорлашиб, бироз қамайиши кузга ташланаётган бўлса-да, ҳамон экишда да ва пахта тозалаш заволлари ва пунктларда туланиб қолиб, қайта ишлашда қўшимча қийинчиликлар туғдирмоқда.

Бугунги кунда гузла майдонларини қўпайтириш ва уларни октябрь ойининг иккинчи қисмидан кечиктирмасдан экиш зарурати пахтачиликда эртапишар навлар

Самарали хўжалик юритиш тажрибасидан

Хўжалик аъзосига 7-8 гектардан ер турғи келаяпти. Келажакда бунга 9-10 гектарга етказишни мулжаллаяпмиз. Энди булар нима-лар ҳисобига булади? деган савол туғилиши табиий. Утган йили шолзорларимизда урта Америка Қўшма Штатларидан келтирилган «Кейс» комбайнини ишлатдик. Унинг узимизда ишла-дик келинган бошқа комбайнлардан устулик тарафлари куп экан. Еқилги кам сарфлаши, сифатли уриши, самардорлиги ва бошқа ижобий жиҳатлари шулар жумласидандир. Масалан, илгари ишлатилган «Енисей», «Нива» комбайнларда нобудгарчилик 8-10 фоизгача бўлса, «Кейс»да бу рақам бир фоизгача етди. Яна шуниси ҳам борки, «Енисей»ни 8 йил, «Кейс»ни эса 13 йил ишлатиш мумкин.

Кейин шолчилик, био-

МАВСУМ ШОШИРМОҚДА

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг кенг шаклланиётгани одамларда мулкка бўлган муносабатини ўзгартирмоқда. Айниқса, техника инсон турмуши фаолиятини яхши-лашда, миришкорнинг оғирини енгил қилиб, ердан мул даромад олишда унинг асосий ташвиғга айланибди. Бироқ кейинги пайтда қўшма хўжалиқларда техникага эътибор, уни авайлаб-асраш ишлари илдан чиққанлиги сир эмас.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш техника хизмати курсатиш соҳасида шартномавий муносабатларни ривожлантириш чора-тадбирлари туғирида»ги қарори соҳа мутахассисларини ташаббус курсатишга, техникадан унумдор фойдаланишга даянат этди. Жойларда ташкил этилган машина-трактор парклари (МТП) ўз самарасини бермоқда.

Халқимизда техника-деҳқон қаноти, деган нақд бор. Бу йил Сирдарё туманида экиш мавсумида техника ва зарур машина-ускуналарни, енгил ҳамда мойлаш материалларини тайёрлаш каби муаммоларни туманда ташкил этилган машина-трактор парки жамоаси ўз зиммасига олган.

Паркнинг бир йиллик иш якунлари сарҳисоб қилинганда ялғича ишлаш самараси яққол кўринди. Чунки, кейинги беш йил мобайнида икк бор экинган бўшган ерлар режада белгиланган мулдатда шудорлан чикарилди ҳамда кузги экинлар вақтида экилиб, ундириб олинди.

Матлумки, утган йил туманда пахта ва гузла етиштириш режаси кунгилидиги бўлмади. Эрта баҳордаги агротехник тадбирлар вақтида утказилган, айниқса, доллар баллада техника кучидан самарали фойдаланилмагани ҳосил чўгига нанд берди.

Хўжалиқлардаги техника машина-трактор парки ихтиёрига утқач, аҳвол кескин ўзгарди. Ҳозир қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги ҳайлов, чизел, ем-халқак уриш ва йиғиш, гузла комбайнлари МТПга бириктилган.

Муҳими, машина-трактор парки ташкил этилгандан сўнг, туманда техникадан мақсад-сиз фойдаланишга чек қўйилди, тежамоклик асосиди эришилди. Туман МТП бош муҳандиси Владимир Дунаевнинг қайд этишича, Ҳозир бу ерда 121 та техника хўжалиқлар билан келишилган шартнома асосида фаолият қўрсаяпти.


МТПнинг яна бир афзаллиги бор. Илгарилари хўжалик раҳбари, деҳқон-фермер техника учун куп вақт йўқотар, ҳали еқилги етиш-мас, бошқа гад эса керакли қисмларни тоғолай-май оворая саргардон бўлишарди. Ҳамкорлик асосида иш қилинган, ана шу сарсонатиликлар барҳам тоиди. Ҳозирда бу юмушларнинг барчаси машина-трактор парки жамоаси зиммасида.

Хўжалик ва МТП ҳамкорлигини янада мустақкамлаш мақсадида истиқболли шартнома тузилган. Машина-трактор паркида барча мутахассислар манжул, Масалан, бир хўжаликнинг ери ҳайдалгани бўлса, парк агрономи ер ҳолатини ўлчади, бир гектарга қетилган еқилги, сарф-харажатларини ҳисоблаб чиқарди. Бундай усул хўжалик ишнини тез ва сифатли бажаришга қўл келди.

Матлумки, ҳозирги шартнома техника ремонтни, қисмларни топиш ва тайёрлаш хара-

Яхшидан боғ қолади... Қамани туманидаги «Тўқбой» жамоа ширкат хўжалиги соҳибкорлари шу кунларда янги боғлар яратишга эътибор беришмоқда.

Хўжаликда бу йил 26 гектар ерда янги боғ яратилди. Ҳозирги кунда олма, беҳи, нок, ўрик каби ўнлаб турдаги мевали



Н. МУХАММАДЖОНОВ олган сурат.

кўчатлар экилиб, меҳр билан парвартириш-ланмоқда.

СУРАТДА: бош ҳосилот Тўйчи Мўминов (чапдан учинчи), хўжалик аъзолари Шерзод Тўраев, Жовли Тўраев, Зокир Дўстмурзаевлар боғ хуСУСИДА фикр-лашишмоқда.



Н. МУХАММАДЖОНОВ олган сурат.

ТАЖРИБА ЎЗИНИ ОҚЛАЯПТИ

Наманган туманидаги «Зарбдор» корпорациясида чигитни пленка остига экишга вилоятда биринчилардан бўлиб киришилган эди. Айни пайтда дастлаб экилган майдонлардаги чигит унчи чикди.

Бу йил катта майдонларда пленка остида гуза устиришга қарор қилинди. Бу иш сифатли қилиб бажарилди.

— Янги усулда гуза устиришга алоҳида эътибор бериш зарур — дейди хўжалик раиси Самихон Акрамов. — Шу боис экишни сифатли қилиб ўтказиш асосий вазифа қилиб белгиланганди. Жамоада янги усулда экилган майдон 269 гектарни ташкил қилади. Бу иш айниқса, Незмат Исमतов, Обидхон Болтабоев, Абдулатиф Маҳмудов, Абдурашид Мирзабоев бош бўлган бригадаларда сифатли қилиб бажарилди. Чигит ниш уриб чиққан майдонлар кундан-кунга қўпайиб бормоқда.

А. ҚОРАБОЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Муштарий олқиши

САХОВАТ СОҲИБАСИ

Саховат шундай бебаҳо хазинаки, унинг қалбларга бахш этган қувончли тасвирлашга сўз ожиз. Ушбу мактубни ёзишимиздан мақсад саховатли, талбиркор, оқила аёлини элга таништириш. Гап шундаки, бизнинг мактабимизни Наманган шаҳридаги «Аҳмадбек-С» автоширқати 1992 йилда буён оталиққа олган эди. Аммо бевақт ўлим, ажойиб инсон, ширқат раиси Аҳмадбек Имомовни орамиздан олиб кетди. Аҳмадбек аканинг турмуш ўртоғи Муқаллас-

муаммосини келтириб чиқармоқда. Айнан шундай эртапишар навлар эндиликда пахтачиликдаги тараққиётнинг мезони бўлиб қолади. Зеро, пленка остига чигит экиш учун техникалар, ускуналар сотиб олиш, кадрларни ўқитиш билан боғлиқ талафитна харажатлар айнан шу муаммони ҳал этиш, яъни эртапишар навларнинг салмоғини ошириш билан боғлиқдир.

Режага кура бу йил пленка остига 200 миң гектардан кўпроқ майдонга чигит экилиши керак. Бу майдонларнинг ундан бир қисми ушбу усулда чигит экишни бошлаб бертган Андижон вилояти оқ олтин усталари ҳиссасига туғри келади.

Шу муносабат билан бу ерда барча тайёргарлик ишлари қўриб қўйилган. Майдонлар пухта текислаб чиқилди. Тушроққа минерал ва органик ўғитлар берилди. Зарур миқдорда туксизланттирилган чигит ва техника шайланди. Умуман республикамиз буйича бу ишлар жадаллик билан амалга оширилди.

Андижон, Наманган, Сурхондарё ва бошқа қатор вилоятларда чигит пленка остида эгалга экилади. Андижонликларнинг тажрибалари курсатганича, бундай усулда текис майдонга пленка остига чигит экишга қарганда ҳосилдорлик кўпроқ ошади.

Олимлар ва мутахассислар ҳозир гуза ҳосилдорлигини оширишнинг бошқа йўллари ҳам излашмоқда. Чунки полимерлар кимеси ва физикаси, сув муаммолари илмгоҳи олимлари ва мутахассислари, Болгария, Греция, Исроил, фирмалари мутахассислари ўз-ўзидан емирилиб кетилган пленкаларни тақлиф қилишмоқда. Илмий ҳодимлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари улардан энг маъқул келадиганларини танлаб олишлари керак.

Сайхунбод туманидаги Амир Темур номи ширқат хўжалиги 4-бригадасида утказилган тажрибанинг курсатганича, пленка остига чигит экишда чигитнинг маромиди қўйилиши, тушроқнинг майдаланганлиги гоёт муҳим аҳамият касб этди. Шу ерда бўлиб утган курғамали семинарда хўжаликлар раҳбарлари туман ҳокимлари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази мутахассислари иштирок этишди. Вилоятда чигит экишга пухта тайёргарлик қўрилганлиги таъкидланиб, тегишли маслаҳатлар берилди. Барча майдонларда май ойининг бошига қадар соғлом ниҳоллар ундиришга таъминлаш зарурлиги ўқилди.

Р. НАЗАРОВ, Вазирлар Маҳкамаси хазуридаги қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази бўлими раҳбари.

Н. СОЛИХҲАЕВ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги гуза уруғчилиги бошқармаси бошлиғи.

Ишбилармон ошаконинг келажакимиз ворислари — ёшлар учун қилаётган гамхўрлигидан ота-оналар ва маърифат аҳли беҳад мамнуфилар.

Инсон манфаатлари йилда ҳам талбиркор ошакон эзгу ишларини давом эттириб, эл дуосини олмақда. Наврўз байрами муносабати билан М. Имомова мактабимизга 15 миң сўм пул ва аълочи ўқувчиларга қўлаб совга-саломлар тақдим этди.

Саховатли қалб соҳибасининг келгуси ишларига ривож тилаб, ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, деймиз.

Т. ЭГАМБЕРДИЕВ, Янгичўғрон туманидаги С. Имомов номи мактаб директори.

Абдусами ХАКБЕРДИЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Маънавият

Бугун мактаб ҳовлиси ва боғида куриб, занкингиз ошди. Турли хил мевади дархастлар баҳор келиши билан бири-сини...

МАКТАБ ҚУРГАН МУАЛЛИМ

Мақкамой беҳоллиши, шу кунинг учун айни октябрь урталаридаги оққа турди. Бу орада Бекмуроднинг булари...

Кўнглини ҳеч қачон жаб қилмайди. Лекин умр оқар ларе. Бора-бора чор-афрор тажумулиши, айниқса аёллар енг болларининг...

Кўнглини ҳеч қачон жаб қилмайди. Лекин умр оқар ларе. Бора-бора чор-афрор тажумулиши, айниқса аёллар енг болларининг...

Унинг ҳикояларини тинглаб, қалбни топсанг қор ҳам енади, деган мақол елимизга тушди. Рунармайдан турган соддалик, айни чоғда уқар — ҳақлигини исботлаш учун...

Хозир 2 гектар 40 сотих ерли тилла барқ уриб усаётар. Тизли буйи майсалар ҳосил дуруст бўлишдан далолат бермоқда. Бекмуроднинг мулкани мул хирмон кутарин. Бор пулни мактабга ишлатмоқчи у.

Ургатганини унинг, қилган ишинг менга фойла, деб панд-насихат уқилди, оналар қизларига. Бекмурод бу ҳикмати ҳам унча талкин этиди. Меҳнат дарсларида тол новилардан уқувчилари ясаган чулчи, сават каби рўзгорбор...

Хар қанча урнимайлик захматкан инсон Бекмурод Авазонинг меҳнатларига муносиб баҳо ва унча хос нисбат топа олмадик. «Авазов мактаби» да дарслар ҳам бамисоли оила даррасидаги ширин сўхбатни эсатлади. Етти ешдан ун бир ешгача булан болалар бирга уқитилди бу мактабда. Уқитиш...

Хар қанча урнимайлик захматкан инсон Бекмурод Авазонинг меҳнатларига муносиб баҳо ва унча хос нисбат топа олмадик. «Авазов мактаби» да дарслар ҳам бамисоли оила даррасидаги ширин сўхбатни эсатлади. Етти ешдан ун бир ешгача булан болалар бирга уқитилди бу мактабда. Уқитиш...

Хар тугрида
ЗИҚНА АЁЛ
Фақат битта банкнинг унда 314 миллион доллар бойлиги була туриб етти улани бепул даражидан қасалхона қилдирган...


ВИЖДОНЛИ ФУҚАРО
Хотамтойлик америкалик 44 ешли Жим Прайсмонга тег келадиган одам дунда бўлмастер керек. «Доф эйд инкорпореит» фирмасида хисобчилнинг ердасисиди...

550 МИЛЛИОНЛИ МАОШИ
АҚШ ҳукумати тақдим этган маълумотга қара, энг йирик маошга «Беринг Дабберт» фирмасининг ҳодими Майкл Милген эсабор булан. Унинг 1987 йилда олган жами маоши ва муқофот пули 550 миллион долларни ташкил этган.

ТОШБАҚА
Болақай март ойининг бошида қилки уқулдан уйғолиб ўқилар, қаран да қирғилдан уқулдан сабаи, дехтоқи нон ушоқларини нигиет билан есетган тошбақани дикқат билан кузатарди. Бу тошбақа уйида 18 йилдан буен ҳамрохлик қилди. Бир пайлар у сал бўлмаса машина остида қолиб кетай деган, лекин тасодиф тугайли омон қолгани. Эндликда ушундан сунган қосан биттириб, эски жароҳат иллари яқол қуриб турарди. Уткир тошбақани кузатмасдан, у билан суҳбатлашмоқда эди. Бу менгажаблантарап.

ТОШБАҚА
Болақай март ойининг бошида қилки уқулдан уйғолиб ўқилар, қаран да қирғилдан уқулдан сабаи, дехтоқи нон ушоқларини нигиет билан есетган тошбақани дикқат билан кузатарди. Бу тошбақа уйида 18 йилдан буен ҳамрохлик қилди. Бир пайлар у сал бўлмаса машина остида қолиб кетай деган, лекин тасодиф тугайли омон қолгани. Эндликда ушундан сунган қосан биттириб, эски жароҳат иллари яқол қуриб турарди. Уткир тошбақани кузатмасдан, у билан суҳбатлашмоқда эди. Бу менгажаблантарап.

ТОШБАҚА
Болақай март ойининг бошида қилки уқулдан уйғолиб ўқилар, қаран да қирғилдан уқулдан сабаи, дехтоқи нон ушоқларини нигиет билан есетган тошбақани дикқат билан кузатарди. Бу тошбақа уйида 18 йилдан буен ҳамрохлик қилди. Бир пайлар у сал бўлмаса машина остида қолиб кетай деган, лекин тасодиф тугайли омон қолгани. Эндликда ушундан сунган қосан биттириб, эски жароҳат иллари яқол қуриб турарди. Уткир тошбақани кузатмасдан, у билан суҳбатлашмоқда эди. Бу менгажаблантарап.



Тошкент шаҳри кун сайини гўзаллашиб, кўча ва хиёбонлари обод бўлиб бормоқда. Эндликда тилларинг қошинли, зангори гўмбалди гўзал нишоотларни пойтахтининг ҳар бир манзисига учратиб мумкин. Бугун мовий тусга кириб ясанган шаҳар хорижлик меҳмонларни ҳам дол қолдирмоқда. СУРАТДА: Тошкент Давлат мулк қўмитасининг янги биноси. Н. МУХАММАДЖОНОВ олган сурат.

Бир туман хабарлари

ХАЙРЛИ ТАДБИР

Қизилтепа туманида 600 нафардан зиёд ноғиронлар бор, улар «Учумбаз» ошқонасида бир шеша чой устида тушландилар. Туман умумий овқатланиш корхонасининг ошпази Ганижон Назаров мазади ошландилар.

ХОМИЙ ҲИММАТИ


Вангози қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Сино номи мактабга булдан бир йил олдин ишчан муаллим Этамбой Макшидов раҳбар эғиб тайинланди. Шундан сунг ишлар юришиб кетди. Янги раҳбар мактаб жамоаси ва ота-оналар билан маддаҳатландилар иш бошлади.

ОЛИЙ ЛИГАНИ КЎЗЛАБ

Бугун водийда булганидек, Қўқонда ҳам футбол уйинига меҳр қуйган мухлислар минг-миглаб топилди. Шу боис «Темирйўлчи»нинг эртаме-кеч олий лигага қайтиш учун жиддий талабдор бўлиши аниқ эди. Афтидан, қўқонлик футболчилар бу йил аниқ нўзу мақсадини амалга оширишга қатъий бел боғлаган кўринишдади. Хар ҳолда дастлабки уйинлар шундан яққол далолат берди.

«Темирйўлчи» 3 9
«Шурчи» 3 7
«Металлург» 3 6
«Истиклол» 3 6
«Орол» 3 6
«Буқалик» 3 6
«Шахрихон» 3 5
«Килиқум» 3 5
«Шурчи» 3 4
«Матпал» 3 4
«Богол» 3 3
«Киметар» 3 3
«Ситора» 3 3
«Навбахор-2» 3 3
«Лочин» 3 3
«Роҳат» 3 3
«Тукимачи» 3 3
«Пахтаобод» 3 3
«Дустлик» 3 1
«Зафар» 2 0

Шермухаммад йўлдош ўғли.



Жамоалар атиги учтадан учрашув утказганликлари боис даипат бир ҳулоса чиқаришга ҳали эртадир. Лекин пунииси аниқки, олий лигага берилганлиги икки йулланма учун «Темирйўлчи» ва «Шурчи»дан бешқа командалар ҳам жиддий курашини турган гап. Бу мухлислар қизиган баҳслар тугуви бўлишларидан далолат бериб турибди.

А. ЛЕСНЯК
Тошкент Давлат аграр университети табииоти муҳофаза қилиш ва ботаника кафедраси доценти. Муаллиф олган сурат.

ТРАКТОРЛАР, ЭХТИЁТ ҚИСМАР КЕРАКМИ? ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ!

Тошкентдаги «ТРАНС-СЕРВИС» фирмаси пул уқазини йули билан ва векселларга қуйидаги техника воситаларини, эхтиёт қисмларини ҳамда газлама ашларини сотиб олишни таклиф этади: — Украинада ишлаб чиқарилган ЮМЗ-6п русумидаги тракторлар; — Австриянинг «ЭКОНОМОС» фирмасида тайерланган қийқисмон қайишлар — клинди ремеларнинг хиима-хил қурилишлагиси («О», «А», «Б», «В», «масхус», уларнинг узунлиги 500 миллиметрдан 10 минг миллиметрга); — Европа андозлари талаби даражасида тайерланган оқ ва гулдор қурпа-естик тилофлари.

Манзилоқ: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Жўрабек Остонав кўчаси, 40-уй. Телефонлар: (3712) 92-04-07; 90-26-71. Телефон (факс) (3712) 90-69-80.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ
Тахир ҳайъати: Марк ЖУМАНИЕЗОВ, Расулмат ХУСАНОВ, Махмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЕВ, Сиддикжон МУХАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир уринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (Равшан қотиб), Равшан БОБОМУХАМЕДОВ.
ХОМИЙ: «Уқишлоқхўжалиқтаъминоттўзатиш» давлат-ширкат қўмитаси «Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32
ТЕЛЕФОНЛАР, Мухаррир уринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул қотиб — 33-09-93.
Дехқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими — 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят ва хатлар бўлими — 36-54-52.